ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК РОМАНИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

(биринчи мақола)

Й.Солижонов

Статья посвящена проблемам современной узбекской романистики, предпринята попытка классификации романов на основе художественно-стилевых особенностей, дана обоснованная оценка романам как модернистского, так и «рыночного» направлений.

This article is devoted to problems modern Uzbek Romanism, the attempt of classification of the novels is undertaken on the basis of art - style features.The proved estimation to the novels as modernist and "market" directions is given

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб, мамлакатимизда рўй берган жиддий сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий-маънавий эврилишлар роман жанрининг ривожини дастлаб бироз сусайтириб қўйгандек туйилди. Бу сусайиш унинг инсон турмуши ҳамда жамиятда юз бераётган тезкор воқеа-ҳодисаларни дабдурустдан идрок этолмай қолганлигида эмас, балки унинг табиатан кенг қамровли, кўп тармоқли, имконияти ва миқёси катта ҳамда ранг-баранг кўринишли мураккаб санъат асари бўлганлигидан атрофида кечаётган воқеаларни саралаши, таҳлил этиши, халққа қайта ҳикоя қилиб бериши лозим бўлган жиддий муаммо ва образларни танлаб олишидаги изланишлар жараёни билан боғликдир. Ўқувчи оммаси эса чанқоқлик билан роман кутарди. Ана шундай адабий ташналик пайтида истеъдодли адиб Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романи эркинликнинг илк қалдирғочи сифатида пайдо бўлди ва минглаб китобхонлар эҳтиёжини қондирди.

Ёзувчи романига «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси — озод Ўзбекистон учун битдим» деган иборани эпиграф қилиб олган. Шу гапнинг ўзиёқ романнинг мустақил Ўзбекистон шаънига битилган қасида эканлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, «Отамдан қолган далалар» асари бахшиёна услубда битилган эрк достонидир. Роман худди шеър каби илҳом билан ёзилган, шеър сингари ифода билан ўқилади, шеър каби ҳис қилинади. Иборалар ихчам, манзаралар лўнда, фикрлар таъсирчан, тасвирлар кўламли, туйғулар жўшқин. Унда Фарғона лексикаси Сурхон лаҳжаси билан ўзаро қоришиб ажабтовур нутқ ҳосил бўлган. Ўн бобдан иборат бу романда халқимизнинг 130 йиллик тарихи қаламга олинган. Чор Русиясининг босқини туфайли юрт тинчлиги бузилган пайтдан бошлаб, яқин йилларгача узлуксиз суратда қаттиққўллик билан амалга оширилган мустамлакачилик сиёсати оқибатида ўзбек деҳқонининг қандоқ аҳволга тушиб қолганлигини ифодалаш асар воқеаларининг ўзагини ташкил этади. Шу муддат ичида халқимизнинг ўз бошидан кечирган оғир ҳаёти, кураши, қулдек ишлатилган даври битта оилага мансуб уч авлод тақдири орқали кўрсатилган.

Биринчи авлод вакили фарғоналик Жамолиддин кетмон, иккинчиси унинг ўғли, Фарғонада туғилиб, Деновда вояга етган, босқинчиларга қарши курашда шаҳид бўлган Ақраб, учинчи авлод вакили эса Деновда туғилиб ўсган, шу тупроқда меҳнат қилиб бутун республикага донг таратган пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Ақраб ҳамда Болхин теримчининг пахта даласида туғилган якка-ю ягона ўғли Деҳқонқулдир. Роман воқеалари Фарғона водийсидан то Сурхон воҳасигача, Х1Х аср ўрталаридан ХХ асрнинг 80 йилларигача бўлган ҳудуд ва даврни қамраб олади.

Роман воқеаларини ҳикоя қилиш Деҳқонқул зиммасига юклатилган. Ҳикоячи барча воқеа-ҳодисаларга адиб нигоҳи билан қарайди, унинг назари билан баҳо беради, онги орқали муносабат билдиради. Бу фикримизни ёзувчининг «Кўнглимда эл-юртим озодлиги йўлида нимаики дардим бор — барини ушбу романимда тўкиб солдим» деган сўзлари ҳам исботлаб турибди. Тоғай Мурод ўзи яратган қаҳрамонларининг тақдири орқали ўзбек халқининг мустақилликка эришуви осон кечмаганини, уни қўлга киритиш учун фақат зиёлилар, ёзувчилар, саводли одамларгина эмас, балки юртига меҳр қўйган, эътиқоди буюк оддий одамлар ҳам жонини фидо қилганини ифтихор билан тасвирлайди.

Ёзувчи Деҳқонқул тимсолида меҳнатдан бошқа нарсани билмайдиган, билишни ҳам истамайдиган, эртани эрта, кечни кеч демай ишлайдиган ижрочи шахсни тасвирлаган. У совет

даврида тарбияланиб вояга етган ва ишга солинган ўзбек совет деҳқонининг умумлашма образидир. Деҳқонқул ўзининг бутун табиати, ҳаёти, тақдир-қисмати, ички ва ташқи қиёфаси, она ерга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати билан ҳам, фикрлаш тарзи ва нутқи билан ҳам, хатти-ҳаракатларидаги ўта фидойилик белгилари билан ҳам одатдаги қолипларга тушмайди. Шу жиҳатдан бу образни қатъий ва аниқ қоидалар асосида таърифлашнинг қарийб иложи йўқ. Деҳқонқул ўзининг бутун фазилату қусурлари билан «ўзбек адабиётида жиддий бадиий кашфиётдир. Деҳқонқул совет даври адабиётида завқ-шавқ билан қаламга олинган меҳнат қаҳрамонларига пародия тариқасида яратилган. У тоталитар тузум, қизил империя сиёсати тарбиялаб етиштирган «меҳнат кишиси», «янги инсон» тимсоли; мустабид ҳокимият мунофиқона мафкурасининг тирик қурбони»дир.[10]

Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романи ҳозирги замон насридаги гротеск (итальянча қабариқ сўзидан) усулида яратилган. Агар биринчи авлод вакили Жамолиддиннинг кетмонидан гротеск-деталь рамзи сифатида фойдаланилса, бу усул қизилларга қарши курашга жонини тиккан Ақраб қўрбошининг нутқи ва хатти-ҳаракатларига кўчирилади. У ўзининг ташқи кўриниши билан эмас, балки мимикаси ва жести ҳамда қиличдек кескир сўзлари билан душманларига даҳшат солади. Учинчи авлод вакили Деҳқонқулнинг бутун фаолияти, ички ва ташқи қиёфаси, хатти-ҳаракатлари барчаси гротеск усулида ёритилган. Тўғри, у романда ифодаланган воқеалар силсиласида ўзининг реал қиёфасини йўқотиб, фантастик характер касб этмайди. Лекин ҳар ҳолда бошқа тенгдош асарларда яратилган деҳқонлар образига нисбатан бўрттириброқ кўрсатилади. Айниқса, Деҳқонқулнинг «боболарим шўр-шўр пешонаси», «оталарим яғир-яғир елкаси», «аёлларим хазон-хазон умри»дан пайдо бўлган ерларига нисбатан муҳаббатини ифодалашда гротеск усулининг ғоятда муваффақиятли қўлланилганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Мустақиллик йилларида ўзбек адабиёти, хусусан, унинг роман жанри чинакамига сифат янгиланишини бошидан кечирди. Унинг бу қадар тез суръатда парвоз этиши учун аввалдан мустаҳкам замин яратилган эди. Бироқ барҳаёт анъаналарнинг барчасидан ҳам социалистик реализм методи устувор бўлган совет адабиётида фойдаланишнинг иложи йўқ эди. Фақат мустақиллик йилларидагина бу имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш мумкин бўлди. Бу даврда эришилган муҳим ютуқлардан бири адабиётимизда яратилган ЯНГИ ИНСОН образи бўлиб, унинг сурати ва сийрати шу пайтгача бу қадар хилма-хил даражада эмас эди. Эндиликда ижтимоий-маданий ҳаётни бутун тўлалиги, мураккаблиги, зиддияти билан холис гавдалантира оладиган янги типдаги адабий қаҳрамонлар оиласи дунёга келди. Юқорида тилга олинган Т.Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романидан ташқари Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романидаги Рустам, Соат Ғаниев, Омон Мухторнинг «Тепаликдаги хароба», «Кўзгу олдидаги одам» асарларидаги Мирза Ғолиб, Сирож муаллим, Валижон, Мурод Мансурнинг «Жудолик диёри» дилогиясидаги Султонмурод, Ҳозиқхон тўра, Парпи (аввал ўғри, кейин адолатпарвар инсон), Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат» романидаги Юсуф, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романидаги Фозилбек, Қадрия, Луқмон Бўрихоннинг «Жазирамадаги одамлар»идан Лолахон, Чинор Менглиев, Файзулла буғолтирлар ана шундай янги тимсоллар ҳисобланади.

Албатта, бундай кашфиётларнинг ўзига хос бақувват илдизлари мавжудлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Истиқлол даврига келиб, роман жанри ўзининг тарихий тажрибаларига таяниб, буюк Шарқ адабиётининг бадиий ва фалсафий анъаналарини ижодий давом эттирди, баён ва тасвирлаш усулларида жиддий ижодий тажрибаларни амалга оширди. Натижада сўнгги йиллар романлари воқеалар тизимининг кутилмаган тасодифларга бойлиги, мифлар, афсона ва ривоятлардан унумли ҳамда ўринли фойдалана билиши, маданий-маърифий, диний-маънавий қадриятларимизнинг барҳаётлигини исботловчи тасаввуфий қарашларни сингдиришга уриниши билан эътиборни тортмоқда. Бу даврда яратилган романлар баён услубидаги кўп овозлилик, тасвирдаги маъжозийлик фазилатлари билан ҳам

1. Каримов Н., Мамажонов С., ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик. Тошкент, «Ўқитувчи», 1999 .534-б.

совет даврида дунёга келган асарлардан фарқланиб туради. Кейинги йилларда Шарқ адабиётига хос азалий фазилат ҳисобланган шартлилик, рамзийлик тамойилларига қайтиши туфайли ўзбек романининг тасвир имкониятлари беқиёс даражада кенгайди. Маъжозий тил билан ҳикоя қилинган асарларда ўтмиш билан бугун, фано билан бақо, замон билан макон бир нуқтада бирлашади, бир пайтнинг ўзида ҳаракатланаверади. Бу ҳолат битта қалб драмаси орқали аён бўлади.

Мустақиллик даври адабиётида кўзга ташланган ғоят муҳим хусусиятлардан яна бири инсон онгини, дунёқарашини, унинг маънавий оламида юз бераётган зиддиятли инқилобни бадиий тадқиқ этишга киришиш бўлди. Маълумки, мустақилликдан олдин яратилган асарларда кўпгина қаҳрамонларни бир ёқлама тасвирлаш тенденцияси одат тусига кирган, яъни даврга замондош ҳисобланган ижобий қаҳрамон камчиликлар, қусурлардан тамомила холи бўлиши шарт эди. Эндиликда бундай муносабатдан воз кечилди. Ҳаёт ҳодисаларини имкони борича кенгроқ қамраб олиш, мустақил юртнинг ўткир, жиддий ва долзарб муаммоларини жадал ва жасорат билан кўтариб чиқиш, уларни ифодалашда юксак бадиий эстетик тамойиллар нуқтаи назаридан ёндашиш, ҳаётий муаммоларни замон талабига кўра ҳозиржавоблик билан ҳаққоний акс эттириш зарурияти ортди. Бунинг оқибати ўлароқ, замонамиз қаҳрамонларининг ахлоқий-маънавий қиёфаси истиқлол йилларида яратилган асарларда хилма-хил усуллар орқали намоён бўла бошлади. Булардан қуйидаги тўрт йўналишни таъкидлаб ўтиш ўринлидир:

1. Фалсафий-реалистик йўналиш;
2. Рамзий-мажозий йўналиш;
3. Саргузашт-фантастик йўналиш;
4. Дедектив йўналиш.

Ўткир Ҳошимов, Мурод Муҳаммад Дўст, Муроджон Мансуров, Тоғай Мурод, Аббос Саидов, Улуғбек Ҳамдам романларида соф фалсафий-реалистик йўналиш устун турса, Хуршид Дўстмуҳаммад, Асад Дилмурод кабиларнинг асарларига рамзий-мажозий йўналиш хосдир. Омон Мухтор, Луқмон Бўрихон, Тилаволди Жўраев кабиларнинг асарларида юқоридаги тўрт йўналиш қоришиб кетганлигини кўрамиз. Ҳожи Ислом Шайх соф саргузашт-фантастик йўналишда иккита яхши роман қолдирди. Бироқ адибларнинг қайси йўналишда ижод қилишларидан қатъи назар бу ерда гап замондошимизнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини қандай акс эттираётгани, мустақиллик масъулиятини чуқур ҳис қилиб, ўзини ва ўзлигини рўй-рост намоён қилаётганлиги тўғрисида боргани маъқулроқ. Зеро, айни кунлардаги воқеаларни аввало, бадиий жиҳатдан пухта ўзлаштириш, қолаверса, мустақилликка эришиш жараёнининг тарихий қонуният эканлигини теран англаш ва кўрсатиш, тасвирланаётган ҳар бир қаҳрамон ўзи мансуб бўлган тоифа ёки муҳитнинг чинакам вакили сифатида намоён бўлиши, ҳаёт ва турмушнинг ҳамма томонларига қизиқишнинг кучаяётганлиги, узоқ ва яқин ўтмишга миллий истиқлол нуқтаи назаридан ёндашиш, инсонни бутун мураккаблиги билан ифодалаш — ҳозирги адабий жараёнда кўзга яққол ташланаётган муҳим фазилатлар, айни чоғда, истиқлол даври адабиётининг асосий тенденцияси ҳсобланади.

Адабиётнинг юксалаётгани, янгиланаётганлиги, ундаги изланишларнинг нечоғлик самарали бўлаётганлиги, энг аввало, унда яратилаётган қаҳрамонларнинг бадиий салмоғи билан ўлчанади. Шуни назарда тутганда бадиий адабиёт ҳақидаги гап, биринчи галда, қаҳрамон ҳақидаги гап бўлиши керак. Агар совет даври адабиётидаги қаҳрамон ўз даври ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ташқи томонини ўзида акс эттирган манекени (дўкондаги кийим кийдирилган қўғирчоқ) тарзида кўринса, ҳозир бутунлай бошқача қиёфада намоён бўлаётир. Ҳозирги замондошимиз ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг, ҳам маънавий-ахлоқий турмушнинг мазмун-моҳиятини, сифати ва кўламини ўзида тўла акс эттириб турибди. Чунки роман эпик тур жанрлари орасида имкониятларининг ғоят кенглиги, ҳажмининг чекланмаганлиги, шаклининг ранг-баранглиги, мазмунининг чуқурлиги билан ажралиб туради.

Жамиятда кечаётган янгиланиш жараёнини бадиий тадқиқ этиш сўнгги йиллар адабиёти ва санъатининг асосий мавзуси ҳамда бош муаммосига айланганлиги сир эмас. Ёзувчиларимиз асарларида инсоннинг ўзлигини англаш, ўзини кашф этиш, эътиқод ва имонлилик, нафс ва ёвузликка қарши кураша билиш қобилиятини кўрсатишни асосий масала қилиб оляптилар.

Истеъдодли адиблар Х.Дўстмуҳаммаднинг «Бозор», А.Дилмуроднинг «Фано даштидаги қуш», У.Ҳамдамнинг «Мувозанат» романлари учун айнан мана шу муаммо танлаб олинган. Муаммони бадиий жиҳатдан қизиқарли ва мантиқан тўғри ҳал этиш учун А.Дилмурод мистик-романтик, Х.Дўстмуҳаммад рамзий-мажозий, У.Ҳамдам эса шарқона анъанавий тасвир усулларини танлаганлар.

Маълумки, ҳар бир асарда бош қаҳрамон бўлиши зарурлиги бадиий адабиётнинг азалий қонуниятларидан бири саналади. Ундаги барча сюжет линиялари, эпизодлар, персонажлар бош қаҳрамон тақдири билан мустаҳкам боғлансагина композицион яхлитлик юзага келади. Сир эмаски, истиқлол даври романларида бош қаҳрамон ҳаётини бутун мураккаблиги, ички зиддиятлари, руҳий кечинмаларининг кескин қарама-қаршилиги билан рўй-рост тасвирлашга эътибор кучайди. Бинобарин, халқимиз мустақилликнинг қадрига етиб, уни янада мустаҳкамлаш учун астойдил ва қатъий ҳаракат қилиш палласига кирган, маънавий-маърифий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўзлигини англаш жараёнини бошидан кечираётган бир босқичда яшаётирмиз. Шундай бир пайтда ижод аҳли ҳам ўз асарларида даставвал инсоннинг шахсий ҳаётида рўй бераётган моддий-маънавий ўзгаришларни, унинг қандай мақсадда яшаётганини, шахснинг ижодкорлик, яратувчилик фаолиятини, курашининг бош йўналиши нималардан иборат эканлигини ҳаққоний акс эттиришга киришдилар. Замондошларимизнинг бой ички дунёсини, кучли иродасини, меҳнатга бўлган янгича муносабатини, унинг маънавий қиёфасида намоён бўлаётган манфий ҳамда мусбат ўзгаришларни бутун мураккаблиги билан ҳаққоний ва юксак бадиийлик билан тасвирлаш ҳар доим ижоднинг бош мезони бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Бу айниқса, қаҳрамон характерини яратишда очиқ кўринмоқда. Хусусан, Рустам ва Комиссар образларини яратар экан, «Тушда кечган умрлар» романининг муаллифи Ўткир Ҳошимов улар характерини иложи борича холисона ифодалашга ҳаракат қилади. Кўпгина ижобий фазилатларга эга бўлишига қарамай Рустамда ҳам салбий хусусиятлар йўқ эмас. Гарчи Афғон уруши туфайли руҳий хасталик касалига мубтало бўлган эса-да, унда билиб туриб жангарилик қилиш иллати азалдан мавжуд ва бу унга кўпинча панд беради. Ёки Соат Ғаниев — Комиссар нечоғлик аблаҳ бўлмасин, одамийлик фазилатидан тамомила маҳрум эмас. У ҳам хотини ўлганида одамдек йиғлайди, азият чекади. Кечаги қилмишларига разм солиб, одамларга қилган ёмонликларидан ўкинади (Қурбоной хола билан учрашганида «мени қарғасанг керак-а?» дейишини эсланг!), лекин, барибир, аблахлигича қолаверади.

Юқорида тилга олинган қаҳрамонларнинг фазилатидан ҳам, иллатидан ҳам ўқувчи маълум маънода ибрат олиши мумкин. Чунки уларни яратган санъаткорлар ўзларини холис тутадилар, ўқувчининг ўзи хулоса чиқариб олиши учун ижодий имконият яратадилар.

Афсуски, кейинги йилларда айрим ижодкорлар роман жанри имкониятлари кенглигидан фойдаланиб, унга хоҳлаган нарсани олиб киришга, истаган мақомда ҳикоя қилишга, қурби етганича «семиртириш»га уринмоқдалар. Натижада бундай асарлар бир уюм воқеалар тафсилотидан иборат хомашёга айланиб, ундан асосий масалани топиш қийин кечяпти. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳозир яратилаётган айрим романларда тилга олгудек муаммо, кейин ҳузур қилиб сўзлаб бергудек сюжет кўзга ташланмайди. Бунинг устига сўз ва воқелик инфляциясига учраган айрим асарлар ҳам учрайди. Шуниси борки, уларда тасвирланаётган қаҳрамонлар (агар улар шу номга лойиқ бўлсалар) ё нуқул гапирадилар, ўйлайдилар ёки фақат ҳаракат қиладилар холос. Аммо гапларида на мантиқ, на маза-матра бўлмаганидек, ҳаракатларида ҳам на тартиб, на ишонч мавжуд. Муаммо қўя билиш ва уни ишонарли ҳал этиш романнинг савияси қай даражада эканлигини кўрсатувчи муҳим мезондир.

Аёнки, роман халқнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида ва қалбида рўй бераётган инқилобий ҳодисаларни тасвирлашга масъул жанрдир. Сўз билан семиртирилган ҳар қандай асарни роман сифатида тавсия этиш, юмшоқ қилиб айтганда, бадиий ижодга енгил-елпи қараш ва менсимасликдан бошқа нарса эмас. Аслини олганда бугунги кун адибининг кундалик ташвишлари, уни қийнаётган ўй-фикрлар, айтмоқчи бўлган гапи ёзилажак романдагидан ўн чандон қизиқарлироқ ва муҳимроқ бўлиши мумкин. Фақат улар ана шу айтиладиган гапнинг лўндасини, керагини танлаб, тартибга солиб, чегаралаб олмоқлари, манзилни аниқ кўзламоқлари талаб қилинади. Акс ҳолда кашфиётлар денгизининг пўртаналари уларни четга улоқтириб ташлаши табиий. Шу нуқтаи назардан қараганда

Тўхтамурод Рустамнинг «Капалаклар ўйини», Солиҳ Қаҳҳорнинг «Дайди қизнинг дафтари», Олимжон Холдорнинг «Миркомилбой», «Аросат», Аббос Саиднинг «Кўчада қолган одам» асарлари кўп жиҳатдан роман жанри талабларига жавоб беролмайди. Уларда кўзга ташланадиган бош камчилик воқелик инфляциясининг кучлилигидир. Бу қусур, айниқса, «Капалаклар ўйини» романида аниқ сезилади. Баён қилиш усули асар номига мос равишда капалакларнинг учишига ўхшайди. Бироқ капалаклар маълум мақсад асосида тартиб билан учсалар, баёнда эса на тартиб бор, на аниқ мақсад. Ёзувчи хаёлига нима келса, тартибсиз равишда киритаверади. Натижада на макон, на замон, на қаҳрамон ўқувчининг кўз ўнгида аниқ намоён бўлмайди.

Аслида битта қиссага аранг хамиртуруш бўла оладиган воқеани зўрлаб романга сиғдиришга уриниш натижасида иккинчи даражали эпизодлар кўпайиб кетган. Воқелик тартибсиз равишда баён қилинади. Аслида Бадал Армон, Ибод, Шоший, Сардор, Ғойиб, Насим каби образлар орқали ёзувчи қандайдир фикр айтишга интилган. Бироқ бу фикр ўқувчига аниқ-тиниқ етиб бормайди. Негаки, улар хотиралар юки остида қолиб кетиб, зиммасига юкланган топшириқни охиригача уддалай олмайдилар. Асарда персонажлар ҳаёти ва қисматида рўй бераётган ўзгаришлар моҳиятини очиш, воқеликни бадиий таҳлил этиш ўрнига баёнчилик устунлик қилиб қолган. Унда даврнинг долзарб масаласи — инсонннинг жамиятдаги ўрни қандайлигини ёритиш турса-да, бу муаммо етарли даражада очилмай қолади.

Хуллас, ўзбек романининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти текис, равон йўлдан борди деб бўлмайди. Унда нурафшон саҳифалар билан бир қаторда ҳали мукаммаллик мавқеига етмаган асарлар ҳам учрайди. Албатта, В.Г.Белинский айтганидек, фақат истеъдодли санъаткорлардан иборат адабиёт ҳам буюк бўлолмайди. Адабий жараёнда турли савиядаги қаламкашларнинг бўлиши табиий ҳолдир. Ана шунда истеъдод билан ёзилган асарларни аниқлаш ва баҳолаш осон бўлади. Шукрки, мустақил мамлакатимиз адабиётида талант билан ёзилган романлар хирмони салмоқлидир. Бу унинг бағрида романнинг яна бир юксак шакли — полифоник романларнинг дунёга келганлиги билан ҳам ўлчанади.

Адабиётлар:

1.Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского.- М., 1963.
2. Мурод Тоғай. Отамдан қолган далалар. Роман.- Т.:Шарқ, 1998.
3. Дўст М.М. Лолазор. Роман.- Т.: Шарқ, 1998.
4. Дўстмуҳаммад Х. Бозор. Роман. -Т.: Шарқ, 2000.
5. Мансуров М. Мангу жанг. Роман.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.
6. Мухтор О. Тўрт томон қибла. Трилогия.- Т.: Шарқ, 2000.
7. Ҳошимов Ў. Сайланма. Нурли дунё. Т. 1. –Т.: Шарқ, 1998.
8. Ҳошимов Ў. Сайланма. Умр савдоси. Т.2. – Т.: Шарқ, 1998.

Андижан давлат университети
2009 йил 2 майда кабул килинган